

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2019 йил июнь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Денов туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья И.Абраевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Алимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Денов туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Й.Нормаматов, судланувчи М.Музаффаров ва унинг ҳимоячиси Сариосиё туманидаги “Сурхон Мезони” адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Норқўчқоров, жабрланувчи С.Жумаевнинг иштирокида Музаффаров Махмуд Маликовичга нисбатан 1-1910-1901/17-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Музаффаров Махмуд Маликович, 1990 йил 13 март куни Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти Денов тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 01 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Музаффаров, 2019 йил 12 март куни соат 17:30 лар чамасида Денов тумани “Гулистон” маҳалласидан ўтувчи кўчада отаси Т.Маликовга тегишли “Маликбой”, “Алишер” фермер хўжалиқларининг солиқ қарздорлигини ундириш учун келган мажбурий ижро бюроси Денов тумани бўлими давлат ижрочилари К.Тошмирзаев, Н.Янгибоев ва С.Жумаевлар уни бюронинг туман бўлимига бирга олиб кетишмоқчи бўлишганида, у ерга боришдан бош тортиб, бошқарувидаги “Газ-3110” русумли 75 А 777 АА давлат рақамли автомашинага ўтириб, қочиб кетаётганида давлат ижрочиси С.Жумаев унинг бошқарувидаги юриб кетаётган автомашина эшигини очиб, калитини суғуриб олишга ҳаракат қилиши натижасида автомашина йўл четидаги деворга бориб урилганидан жаҳли чиқиб, автомашинадан тушиб, қўлини мушт қилиб С.Жумаевнинг жағ соҳасига қасддан уриб, унга “юқори ва пастки лабдаги эзилиб, йиртилган яралар” кўринишидаги соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувиغا олиб келган қасддан соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган энгил шикаст етказган.

Судланувчи М.Музаффаров суд мажлисида айбига қисман иқроп бўлиб, 2019 йил 12 март куни кеч соат 17.30 лар чамасида бошқарувидаги “Газ-3110” русумли 75 А 777 АА давлат рақамли автомашинасида яшаш уйига кетаётган

вақтида отасининг уйи олдида уч нафар мажбурий ижро бюроси ходимлари уни тўхтатиб, отаси Т.Маликов ва ўзига тегишли бўлган, ҳозирда тугатилиб кетган фермер хўжаликларига тегишли бўлган солиқ қарздорликлари ва давлат божларини тўлашни талаб қилишганлигини, уларга эртага мажбурий ижро бюросига бориб, ҳисоб-китоб қилишини айтганида, давлат ижрочилари кўнмасдан, бошқарувидаги автомашинасини олиб қўймоқчи бўлишганлигини, уларга автомашина бошқа шахсга тегишли эканлигини айтиб, автомашина хужжатларини кўрсатганлигини, шундан сўнг ҳам давлат ижрочилари уни ўзлари билан мажбурий ижро бюросига боришни талаб қилишганида, уларга кун кеч бўлганлигини айтиб, эртага боришни маълум қилиб, автомашинасини ўт олдириб, хайдаб кетаётган вақтда давлат ижрочиси С.Жумаев автомашина олд чап томон эшигини очиб, оёқлари билан автомашина педалларини босиб, рулга ёпишиб, калитни суғуриб олишга ҳаракат қилганлигини, автомашинаси йўл четидаги пахса деворга урилиб, тўхтаганлигини, давлат ижрочиси С.Жумаев уни автомашинадан тортиб, чиқарганидан сўнг жаҳл устида қўлини мушт қилиб, С.Жумаевнинг жағ соҳасига бир маротаба урганлигини, шундан сўнг автомашинасига ўтириб кетиб қолганлигини, кечки вақт отаси ва маҳалла раиси билан келиб, давлат ижрочиси С.Жумаевдан кечирим сўраганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, отаси бошқа оила қуриб кетганлиги учун яшаш уйида бир ўзи яшашлигини, оилавий шароити оғирлигини, ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини билдириб, суддан жазодан озод қилишни сўради.

Судда жабрланувчи С.Жумаев, 2018 йил октябрь ойидан буён мажбурий ижро бюроси Денов тумани бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлаб келаётганлигини, 2019 йил 12 март куни раҳбариятнинг оғзаки топшириғига асосан Денов тумани “Гулистон”, “Мустақилликнинг 10 йиллиги”, “Обод турмуш” маҳаллаларидаги солиқ ва бюджетдан мавжуд бошқа қарздорликларни ундириш учун давлат ижрочиси К.Тошмирзаев ва бўлим шўъба катта инспектори Н.Янгибоевлар билан худудга чиқишганлигини, соат 17.30 лар чамасида К.Тошмирзаевнинг иш юритувида бўлган “Маликбой” фермер хўжалигидан 20.461.250 сўм солиқ қарздорлиги, “Алишер” фермер хўжалигидан 2.382.647 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги ижро иши юзасидан ушбу фермер хўжаликлари раҳбари туманнинг “Гулистон” маҳалласида яшовчи Мелибоев Тождиддиннинг яшаш уйини излаб, топиб борганликларини, Т.Маликовни уйдан топа олмай турган вақтларида уларнинг олдида Т.Маликовнинг ўғли, “Алишер” фермер хўжалиги раҳбари Музаффаров Махмуд “Газ-3110” русумли автомашинада келганлигини, унга ўзларини таништириб, отаси ва унинг ўзига тегишли бўлган фермер хўжаликларига тегишли бўлган солиқ қарздорлиги ва давлат божини ундириш юзасидан келганликларини тушунтириб, давлат божини тўлашни сўраганларида, М.Музаффаров имконияти бўлмаганлиги сабабли божни тўламаслигини айтганлигини, давлат ижрочиси К.Тошмирзаев унга мажбурий ижро бюроси туман бўлимига бирга бориб, бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб беришни таклиф қилганида М.Музаффаров ҳеч қаерга бормаслигини айтиб, автомашинасини хайдаб кета бошлаганлигини, автомашина олдида турган инспектор Н.Янгибоев зўрға ўзини олиб қочиб қолганлигини, М.Музаффаровнинг Н.Янгибоевни уриб юборишига сал

қолганлигини кўриб, уни тўхтатмоқчи бўлиб, автомашинанинг ҳайдовчи ўтирган эшигини очиб, рулдаги калитни олмоқчи бўлиб ҳаракат қилганлигини, автомашина бу вақтда биринчи тезликда жуда секин ҳаракатланаётган бўлганлигини, автомашина олд бампери пахса деворга тегиб, тўхтаганидан сўнг М.Музаффаров машинадан тушиб, юз қисмига кўлини мушт қилиб урганидан сўнг оғзидан қон келганлигини, кўли билан оғзини ёпиб ерга ўтирган вақтида М.Музаффаров оёқлари билан тепиб, машинасига ўтириб қочиб кетганлигини, шу кунга қадар судланувчи М.Музаффаров ундан кечирим сўрамаганлигини, етказилган моддий зарарни ҳам тўлаб бермаганлигини, М.Музаффаров ёки унинг отасига қарздорликни тўласаларинг даъво қилмайман деб айтмаганлигини, улар билан бу масалада гаплашмаганлигини, судланувчи М.Музаффаровга нисбатан даъвоси борлигини маълум қилиб, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ К.Тошмирзаев суд мажлисида, 2019 йил 10 апрель кунига қадар мажбурий ижро бюроси Денов тумани бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлаганлигини, ҳозирда эса бюронинг Ангор туман бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлаб келаётганлигини, иш юритувида давлат бюджетига ундириладиган солиқ қарздорликлари ва давлат божлари билан боғлиқ ижро ишлари кўпайиб кетганлиги сабабли 2019 йил 12 март куни бюро раҳбари унга давлат ижрочиси С.Жумаев ва инспектор Н.Янгибоевларни оғзаки буйруқ билан ёрдамга бириктириб, туманнинг “Гулистон”, “Мустақилликнинг 10 йиллиги”, “Обод турмуш” маҳаллаларига ундирувга юборганлигини, соат 17.30 лар чамасида иш юритувида бўлган “Маликбой” фермер хўжалигидан 20.461.250 сўм солиқ қарздорлиги, “Алишер” фермер хўжалигидан 2.382.647 сўм давлат божини ундириш тўғрисидаги ижро иши юзасидан ушбу фермер хўжаликлари раҳбари туманнинг “Гулистон” маҳалласида яшовчи Мелибоев Тожиддиннинг яшаш уйини излаб, топиб борганликларини, Т.Маликовни уйдан топа олмай турган вақтларида уларнинг олдида Т.Маликовнинг ўғли “Алишер” фермер хўжалиги раҳбари Музаффаров Махмуд “Газ-3110” русумли автомашинада келганлигини, унга ўзларини таништириб, отаси ва унинг ўзига тегишли бўлган фермер хўжаликларига тегишли бўлган солиқ қарздорлиги ва давлат божини ундириш юзасидан келганликларини тушунтириб, давлат божини тўлашини сўраганларида, М.Музаффаров имконияти бўлмаганлиги сабабли бошни тўламаслигини айтганлигини, унга бюронинг туман бўлимига бирга бориб, бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб беришни таклиф қилганида М.Музаффаров ҳеч қаерга бормаслигини айтиб, автомашинасини хайдаб кета бошлаганлигини, автомашина олдида турган инспектор Н.Янгибоев зўрға ўзини олиб қочиб қолганлигини, давлат ижрочиси С.Жумаев автомашинанинг ҳайдовчи ўтирган эшигини очиб, рулдаги калитни олмоқчи бўлиб ҳаракат қилганлигини, М.Музаффаров автомашинасини тўхтатиб, машинадан тушганидан сўнг С.Жумаевнинг жағ қисмига кўлини мушт қилиб урганлигини, С.Жумаевнинг оғзи қонаб, у ерга ўтириб қолган вақтда М.Музаффаров С.Жумаевнинг орқа томонига оёқлари билан тепиб, машинасига ўтириб, қочиб кетганлигини, шундан сўнг бу ҳақда ИИБга ва раҳбарларига хабар қилганликларини, маҳалла раиси ва профилактика

инспектори билан бирга ушбу ҳодиса ҳақида далолатнома тузганликларини, ушбу ҳодисадан сўнг судланувчи М.Музаффаров ва унинг отаси Т.Маликовлар 2.500.000 сўм пулни солиқ қарздорлигини ёпиш учун топширишганлигини, ушбу пулларни солиқ қарздорлигини ёпиш учун тўлашганлигини баён қилди.

Гувоҳ Н.Янгибоев суд мажлисида, гувоҳ К.Тошмирзаевнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ Л.Мелибоев суд мажлисида, судланувчи М.Музаффаров узоқроқ қариндоши эканлигини, 2019 йил 12 март куни кечқурун яшаш жойи Денов тумани “Гулистон” маҳалласидан ўтувчи кўчадан келаётган вақтида тахминан 30 метрлар узоқликда жабрланувчи С.Жумаевнинг юриб кетаётган “Газ-3110” русумли автомашина эшигини очиб, ундан судланувчи М.Музаффаровни тортиб чиқарганлигини кўрганлигини, М.Музаффаров машинадан тушганидан сўнг С.Жумаевнинг юзига бир мушт урганлигини, кейин жабрланувчи С.Жумаев М.Музаффаровга қараб сени қаматаман деб гапирганлигини эшитганлигини баён қилди.

Гувоҳ Т.Поянов суд мажлисида, Денов тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келаётганлигини, 2019 йил 12 март куни И.Хафизовнинг “Тико” автомашинасида келаётган вақтда телефон бўлиб, М.Музаффаровнинг давлат ижрочилари билан тортишиб қолганлиги ҳақида хабар бўлганлигини, жанжал бўлган жойга борганидан сўнг давлат ижрочиларидан бўлган воқеани эшитганлигини, профилактика инспектори А.Хайрилов билан бирга М.Музаффаров ва унинг отаси Т.Маликовларни чақириб, давлат ижрочиларидан кечирим сўраттирганлигини, Т.Маликов бошқа оила қуриб кетганлиги учун унинг ўғли судланувчи М.Музаффаров ёлғиз ўзи яшашини, унинг устидан шу кунга қадар бирон бир шикоят келиб тушмаганлигини, маҳалла ишларида фаол қатнашиб келаётганлигини, уни ижобий тавсифлашини ва маҳалла фуқаролар йиғини номидан уни кафиликка олишларини баён қилиб, судланувчи М.Музаффаровга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Т.Маликов суд мажлисида, судланувчи М.Музаффаров ўғли бўлишини, ушбу ҳодиса юз беришига давлат ижрочиси С.Жумаевнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлганлигини, С.Жумаев автомашина эшигини очиб, рулга ёпишмаганида бу ҳодиса содир бўлмаган бўлшини, бундан ташқари давлат ижрочилари К.Тошмирзаев ва Н.Янгибоевлар воқеа содир бўлган куни кечки вақт профилактика инспектори хонасида 2.500.000 сўм пул тўласаларинг, иш ёпилади деб айтишгани учун, 2.500.000 сўм пул қарз олиб, ушбу пулни мажбурий ижро бюросига олиб бориб топширган бўлишсада, С.Жумаев даъвосидан кечмай, ўғлига нисбатан жиноят иши қўзғатганлигини, тўланган 2.500.000 сўм пулни ҳам ўғлининг фермер хўжалигининг қарздорлигига эмас, балки унинг фермер хўжалиги қарздорлигига топшириб юборганликларини, ўғли М.Музаффаров яқка ўзи яшашлигини, ҳали ёшлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Қўшимча гувоҳ А.Жабборов суд мажлисида, судланувчи М.Музаффаров узоқроқ қариндоши эканлигини, 2019 йил 12 март куни кечки

вақт соат 17.30 лар чамасида яшаш жойи Денов тумани “Гулистон” маҳалласидан ўтувчи кўчада турган вақти ёнига “Нексия” автомашинаси тўхтаб, машина ичидагилар ўзларини мажбурий ижро бюроси ходимлари деб таништириб, Мелибоев Тожиддин фермернинг яшаш уйи қаерда жойлашганлигини сўраганликларини, уларга Т.Маликовнинг уйини кўрсатганлигини, шу вақти ферменинг ўғли Ғоффоров Мухаммадали “Газ-3110” русумли автомашинада келиб қолганлигини, давлат ижрочилари уни тўхтатиб, ўзларини таништириб, қарздорликка оид ҳужжатларини кўрсатишганлигини, М.Музаффаров ҳам миниб юрган автомашинаси ҳужжатларини кўрсатганлигини, шу ерда улар ўзаро тортишиб қолишганлигини, ижрочилар М.Музаффаровга идорага борамиз деб айтишганида, у кеч бўлди, эртага ўзим бораман деб айтиб автомашинасини миниб кета бошлаганида жабрланувчи С.Жумаев юриб кетаётган автомашина эшигини очиб, рулга ёпишганлигини, М.Музаффаров машинадан тушиб, С.Жумаевнинг юзига бир урганлигини, шундан сўнг М.Музаффаров машинасига ўтириб кетиб қолганлигини баён қилди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатувлари ва унинг ҳимоячиси адвокатнинг фикрини тинглаб, судланувчи М.Музаффаровнинг айби ўзининг қисман иқрорлик кўрсатувлари, судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳамда:

- Денов тумани тиббиёт бирлашмасининг “2019 йил 12 март куни соат 21.50 да фуқаро С.Жумаев Денов тумани тиббиёт бирлашмаси ШТЁБ травматология постига мурожаат қилганлиги ва унда юқори ва пастки лаб ички тарафдан юмшоқ тўқималарининг эзилган, йиртилган жароҳати, юқори жағ 2-тишининг травматик қимирлаши” каби тан жароҳати аниқланганлиги, бемор сўзидан уни “Гулистон” маҳалласида фермер М.Музаффаров урганлиги ҳақидаги 2019 йил 12 март кунидаги №48-сонли хабарномаси ;

- Суд тиббиёт экспертизасининг Жумаев Сайфулланинг баданида юқори ва пастки лабдаги эзилиб, йиртилган яралар каби тан жароҳатлари аниқланганлиги ва оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати деб баҳоланганлиги тўғрисидаги 2019 йил 14 март кунидаги 76-сонли хулосаси;

-Тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан М.Музаффаровнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, ушбу Кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи М.Музаффаровнинг яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Суд, судланувчи М.Музаффаровга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, оилавий шаротини, яшаш жойи Денов тумани “Гулистон” МФЙ раиси Т.Поёнов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Денов тумани кенгаши раиси А.Хуррамов, ҳамда халқ депутатлари туман кенгаши депутати С.Чоршанбиевлар томонидан илтимоснома киритилиб, кафиллик берилганлигини, ҳамда қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини эътиборга олиб, юқоридаги Қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 109-моддаси 2-қисми билан мазкур модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

-жабрланувчи С.Жумаев судга етказилган моддий зарар миқдорини тасдиқловчи бирон бир ҳужжат тақдим этмаганлиги сабабли, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундриш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497³, 497⁴ -моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Музаффаров Махмуд Маликович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Музаффаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўталсин. Жазони ўташ муддати унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини назорат қилиш Денов тумани ички ишлар органлари пробация хизмати зиммасига юклатилсин.

М.Музаффаровнинг гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин, гаровга қўйилган “Нексия” русумли 75 А 001 АА давлат рақамли автомашина дастлабки тергов жараёнида эгаси Л.Мелибоевга тилхат орқали топширилганлиги қайд этилсин.

Жабрланувчи С.Жумаевга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

И.Абраев

Аслига тўғри

И.Абраев